

12-1-2018

INVESTMENTS AS A FACTOR OF DEVELOPMENT

O. Astanakulov
Tashkent Financial institute

Kh. Asatullaev
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Astanakulov, O. and Asatullaev, Kh. (2018) "INVESTMENTS AS A FACTOR OF DEVELOPMENT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 20.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Астанакулов О.Т. – ТМИ, и.ф.н., доцент
Асатуллаев Х.С. – ТМИ, и.ф.н., доцент

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мақолада иқтисодий тараққиётга элтувчи омилардан саналган инвестициялар, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни, афзалликлари ҳамда иқтисодий тараққиётга таъсири хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Иқтисодий тараққиёт, инвестициялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, чет эл инвестициялари, хорижий капитал, инвестор, инвестицион муҳит, иқтисодий нисбат, мувозанатлик.

В статье основное внимание уделяется роли инвестиций в экономическом росте в Республике Узбекистан и в благосостоянии населения. Осуществляется анализ ключевых показателей экономического роста, влияния инвестиций на экономический рост и доходы населения, вклад инвестиций в экономическое развитие.

Ключевые слова: Экономическая развитие, инвестиции, прямые инвестиции, зарубежные инвестиции, иностранный капитал, инвестор, инвестиционный климат, экономическая баланс, равновесие

The article focuses on the role of investment in achieving economic growth in the Republic of Uzbekistan and the welfare of the population. There is also a practical analysis of key indicators of economic growth, the level of investment attitude to economic growth and income of the population, characterizing the welfare of the population and their contribution to economic development.

Keywords: economic development, investment, direct investment, foreign investment, foreign capital, investor, investment climate, economic balance, equilibrium

Кириш

Сўнгги йиллардаги миллий иқтисодиётдаги қатор муаммолар таҳлили шуни кўрсатадики, бевосита инвестицияларсиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга эришиб бўлмаслиги амалиётда яққол намоён бўлди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш..” [1] ҳамда “иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш...” [2] ва шу орқали миллий иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишига эришиш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Шундай экан, иқтисодиёт тараққиётида инвестицияларнинг устувор йўналишларини, макроиқтисодий мувозанатликка эришиш орқали иқтисодий ўсишга элтувчи ҳолатларни тадқиқ этиш муҳим масалалар сирасига қиради ҳамда ўрганилаётган мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий фан тарихида инвестициялар ва инвестицион сиёсатнинг илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолари хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Жумладан, мазкур масалалар бир гуруҳ хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган[3]. Мазкур иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида инвестиция ва фонд бозорларини ривожлантириш ҳамда улардаги активларни баҳолаш борасидаги мавжуд муаммолар ёритилган.

Инвестициялар, инвестицион сиёсат ва инвестицион муҳитнинг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари бир қатор ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан ҳам амалга оширилган[4].

Иқтисодиёт тарихий саҳанасида ўтган асрнинг 20-30 йилларида қатор иқтисодчи олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда капитал ва инвестицияларнинг айнан фоиз кўринишида катта даромад келтирувчи асосий омиллардан эканлиги ҳақидаги концепциялар илгари сурила бошланди. Ушбу ҳолат молия ва инвестиция бозорларининг ривожланишига ҳамда унинг янги сифат босқичига ўтишига туртки бўлди. Мазкур жараён ушбу даврнинг таниқли бир гуруҳ хорижлик иқтисодчи олимлари томонидан яратилган асарларда инвестиция ва капитал назариясининг янада ривож топишига олиб келди[5].

Ҳозирги замон назариясига кўра, инвестициялар соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотларда кўп қиррали ечими айнан хорижлик компаниялар томонидан олиб борилаётган стратегияларга боғлиқ бўлади. Чунки хорижлик компаниялар ўз сармояларини киритишдан олдин аввало мамлакатнинг реал ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиб чиқадилар [6].

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон амалиётидан маълумки, иқтисодий тараққиётга эришишда энг аввало реал секторга инвестицион ресурсларни жалб этиш ҳамда уларданунумли фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги кунда тараққий этган давлатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, инвестициялар ва, шу жумладан, чет эл инвестицияларимамлакатларнинг юксак даражада тараққий этишига олиб келган. Инвестициялар ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётдаги локал тармоқларнинг жадал суръатларда тараққий этишига олиб келган [7].

Жаҳон молия ва инвестиция бозорларидаги активларнинг кескин тебраниши ривожланаётган мамлакатлар молия ва инвестиция бозорларининг капиталлашуви даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2017 йил ҳолатига, мазкур кўрсаткич Тайванда 16,8 фоизга, Тайландда 15,7, Жанубий Кореяда 25,1, Индонезияда 22,6, Польшада 21,1 фоизга ўсган[8]. Бу эса, ўз навбатида, мазкур мамлакатлар фонд бозорларидаги активларни баҳолашнинг оптимал усулидан фойдаланиш зарурлигини намоён этади.


Тараққий этган мамлакатларда инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, хусусиятлари, уларнинг давлат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли, инвестицияларга таъсир этувчи омиллар таҳлили, инвестицияларни жамлаш ва

уларни иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган соҳаларига оқилона тақсимлаш орқали максимал даражада фойда олиш борасида бой илмий-назарий, услубий ва амалий тажриба тўпланган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижда инвестициялар ва унинг самарадорлиги масаласи чуқур таҳлилларга асосланади. Чунки, айнан уларнинг самарадорлиги иқтисодиётда бизнес самарадорлигига таъсир этади[9].

Лекин шундай бўлса-да, инвестицияларни тармоқлар иқтисодий мутаносиблигини таъминлашга йўналтириш ҳамда уларни тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳали ҳануз муаммолигича қолмоқда. Чунки иқтисодиётдаги тармоқлар мутаносиблигини таъминлаш, ўз навбатида, бир қанча омиллар нисбатининг таъминланишига ҳамда иқтисодий тараққиётга эришишимизга йўл очиб беради. Маълумки, ривожланган давлатларнинг мазкур йўналишдаги илғор тажрибаларидан мамлакатимиз иқтисодиётида фойдаланиш бўйича муҳим ва амалий қадамлар қўйилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу ҳали етарли эмас, деб ўйлаймиз.

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиёти таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, инвестициялар ЯИМнинг ўсишида энг асосий муҳим молиявий манба ва таъсир этувчи омил ҳисобланади (1-расм).

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Марказий Осиё давлатларида ЯИМга нисбатан таққослаганда Қозоғистонда 2006 йилда мазкур кўрсаткич 34,0 % ни ташкил этиб, қолган давлатларга нисбатан юқори бўлган. Қозоғистон ва Қирғизистонда ушбу кўрсаткичнинг салмоғи 2012-2017 йиллар давомида ўртача 29 % атрофида сақланиб қолган.



ЖадвалЖаҳон банки маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.


1-расм.Марказий Осиё мамлакатларида жами инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши, фоизда[10]

Тожикистонда ушбу кўрсаткич янада кам бўлиб, 2017 йилга қадар пасайиш тенденциясига эга бўлган, яъни15,0%ни ташкил этган. Ўзбекистонда эса, музкур кўрсаткич 2006-2017 йиллар давомида барқарор қолиб ўртача

25%ни ташкил этган. Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар 15338,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан қарийиб 4 баробарга ўсган, яъни 60719,2 млрд сўмни ташкил этган.

Мамлакатимизда инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2011-2017 йилларда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Ўтган йиллар давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ва таркибида аҳамиятли ўзгаришлар рўй берган. Буни қуйидаги 2-расмда яққол кўриш мумкин.

2-расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, инвестиция жараёнларини молиялаштиришда давлат бюджетининг иштироки ва роли камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин, яъни 2011 йилда 6 %дан 2017 йилга келиб 5,5 %га камайган. Бундай пасайиш суръатлари инвестицияларнинг таркибий қисмларидан корхона ва аҳоли маблағларига ҳам тўғри келган, жумладан 2011 йилда 50,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йиликунларига кўра 43,9 %ни ёки қарийиб 6,0 пунктга камайган.



ЖадвалЖаҳон банки маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.

2-Расм. Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибининг ўзгариш суръатлари[11]

Кейинги манба чет эл инвестицияси ва кредитлари бўлиб, 2011 йилга нисбатан сезиларли равишда ўсган, яъни 25,1 %дан 2017 йилга келиб 26,9%ни ёки 1,8 пунктга ўсган. Албатта бундай ўсиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболлини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берганлиги билан тавсифланади. Нобюджет фондлар 2011 йилда 7,1 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда 10,3 %ни ёки 3,2 % пунктга ўсган. Банк

кредитлари ва қарз маблағлари 2011 йилда 11,1 %ни, 2017 йил якунлари бўйича 12,3%ни ташкил этган ёки 1,2 пунктга ўсган.

Тахлилий маълумотларга кўра, мамлакатимизда хорижий инвесторларга қилинган улкан муваффақиятли имкониятлар очилиши ҳамда меъёрий ҳуқуқий базанинг такомиллашуви 2017 йилда 2010 йилга келиб хорижий инвестицияларнинг қарийиб 3 баробарга ошишига олиб келди. Таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодий тараққиётига юқори хорижий капиталга асосланган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг киритилиши ва улар улушининг юқорилиги албатта ижобий жиҳатлардан ҳисобланади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларнинг хориж капитали ва кредитларидаги улуши 2017 йилга келиб 76 %га ошиши мамлакатимизда инвестицион муҳитнинг тобора яхшиланиб, хориж инвесторларининг мамлакат иқтисодига катта ишонч билдирилаётганлигидан далолат беради.

Чет эл тажрибаси, хусусан янги индустриал мамлакатлардан Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея ва Тайван давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръати 10 фоизга кўтарилганида ЯИМга нисбатан инвестицияларнинг улуши 35-40 %ниётган. Бундай юқори улушга эришишда ички инвестицияларнинг ҳиссаси бекиёс бўлган, яъни мамлакат фуқароларидан тортиб миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган барча субъектлар “камарни озгина тортиш” керак қабилда иш тутиб, ички истеъмол ҳажмини камайтирган ҳолда жамғармани ўсишига олиб келишган. Бу, ўз навбатида, ички инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келган[12].

Мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшилангани натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг беш ойида 776 та янги қўшма ва хорижий корхона рўйхатдан ўтказилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 496 тага кўпдир. Шунингдек, жорий йилда хорижий инвестициялар иштирокида 377 та ҳудудий ва 148 та тармоқ лойиҳалари бажарилиши белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлар якунларига кўра, ишлаб чиқилган 2018-2019 йилларда ушбу ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида 6 минг 317 та лойиҳани амалга ошириш белгиланди. Бунинг натижасида жами 219 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилди. Муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бу лойиҳалар учун жой ажратиш, инфратузилма тармоқларига улаш ишларини ўз вақтида ҳал қилиш зарурлиги қайд этилди.

2017 йил якунлари бўйича Ўзбекистон иқтисодиётида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 1,4 баробарга ўсиб, 2,4 млрд доллардан ошди. Бунда умумий инвестиция ҳажмида хорижий инвестицияларнинг улуши ўтган йилдаги 15,3 фоиз ўрнига 20,4 фоизни ташкил этди. (2017 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 2,4 млрд долларгача ўсди[13].

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, йирик инфратузилма объектлари ва корхоналар барпо этиш жараёнига чет эл инвестициялари изчил жалб қилинмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашда

инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш бажариб келинганини танқид остига олди “ ... 2012-2017 йиллар давомида “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 3,3 миллиард АҚШ доллари бўлган 14 та лойиҳа инвестиция дастурларига киритилган. Кейинчалик уларнинг барчаси мақсадга мувофиқ эмас деб топилган ва ҳукумат қарорлари билан тўхтатилган. Энг ачинарлиси, мазкур лойиҳалар ҳужжатларини тайёрлашга 185 миллион АҚШ доллари сарфланган”[14].

Президентнинг 2017 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори юқоридаги каби таҳлиллар натижасида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, мамлакатда тармоқ ва ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилмоқда. Иккинчи босқичда Ривожланиш концепцияси асосида мақсади ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган 3 йиллик, яъни 2019-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳалар портфели шакллантирилмоқда. Ушбу лойиҳалар Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари билан келишилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида экспертизадан ўтказилади. Ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича батафсил календарь режаси ишлаб чиқилади. Учинчи босқичда тасдиқланган 3 йиллик лойиҳалар портфели асосида Ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш талаб этилади. Бундан буён Ривожланиш давлат дастурларига фақат дастлабки техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган лойиҳалар киритилмоқда.[15].

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаркатлар стратегияси Дастурига мувофиқ, амалга оширилаётган ислохотлар, инновацион бозор иқтисодиётини шакллантириш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ҳамда инвестицияларнинг тараққиётга хизмат қилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– мамлакатимизда иқтисодиётнинг локал тармоқларидан ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин кириб келиши ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун кенг имкониятлар очилди. Маълумки, ривожланган мамлакатларнинг таниқли ва нуфузли тадбиркорлари Ўзбекистонга ўз қизиқишларини билдиришмоқда ҳамда уларда мамлакатимизда инвестицион муҳит шароитлари самарали йўлга қўйилганлигига ишонч билдирмоқдалар. Шундай экан, уларнинг янада самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий база таъминотини такомиллаштириш ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш керак. Бу бизга ички бозорлардаги рақобат муҳитини яратиш, бандликни таъминлаш имкониятини беради;

– мамлақатимизда фаолияти йўлга қўйилган қўшма корхонларнинг эркин фаолияти кўрсатиши ҳамда ташқи бозорларга чиқиш имкониятини кучайтириш. Бундай фаолиятни самарали йўлгақўйиш учун улар ўртасидаги ривожланганлик даражаси ҳамда ихтисослашувига кўра, ички ва ташқи инвестицияларни киритиш. Шунингдек, худудларнинг салоҳияти ва кенг имконияти ҳақидаги маълумотлар билан инвесторларни таништириш ҳамда улар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик яратиш механизмини ишлаб чиқиш;

– мамлақат тараққиёти худуд тараққиётига бевосита ва билвосита боғлиқ. Худудларнинг барқарор ривожланиши учун улар ўртасидаги ривожланганлик даражаси ҳамда ихтисослашувига кўра, ички ва ташқи инвестицияларни киритиш. Шунингдек, худудларнинг салоҳияти ва кенг имконияти ҳақидаги маълумотлар билан инвесторларни таништириш ҳамда улар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик яратиш механизмини ишлаб чиқиш;

– инвестициялар нафақат ишлаб чиқарувчи кучларга, балки интеллектуал мулк салоҳиятини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шундай экан, инвестицияларни инновацион марказларга турли лойиҳаларга жалб қилинишини таъминлаш зарур. Бу замонавий бозор иқтисодиётини асоси бўлган инновацион иқтисодиётни шакллантириш имкониятини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.,2. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017 йил. – 86.; 2-23 б; 3-33 б.

3. Harry Markowitz (1952). “Portfolio Selection” The Journal of Finance, Vol. 7, No. 1. pp. 77-91; Tobin.J. (1958). Liquidity Preference as Behaviour Towards Risk. The Review of Economic Studies, Vol.25, No.2, pp.65-86; Sharpe, W. F. (1964). Capital asset prices: A theory of market equilibrium under conditions of risk. Journal of Finance, Vol.19, No.3, pp. 425–442; Lintner, J. (1965). The Valuation of risk assets and the selection of risky investments in stock portfolios and capital budgets. The Review of Economics and Statistics, Vol.47, No.1, pp.13-37;Mossin.J (1966). Equilibrium in a Capital Asset Market, Vol.34, No 4, pp.768-783; Douglas, G.W. (1969), “Risk in the Equity Markets: An Empirical Appraisal of Market Efficiency”, Yale Economic Essays, Vol.9, No.1, pp 3-45;Blume, M.E., (1970). Portfolio theory: A step toward its practical application. Journal of Business, Vol. 43, No.1, pp. 152-173; Black, F., Jensen, M., and Scholes, M. (1972) The Capital Asset Pricing Model: Some empirical tests. Studies in the Theory of Capital Markets. Ed. New York: Praeger Publishers;Fama, E.F. and MacBeth, J.D. (1973) ‘Risk, return and equilibrium: empirical tests’, The Journal of Political Economy, Vol. 81, No.3, pp. 607–636;Basu, S. (1977).Investment Performance of Common Stocks in Relation to their Price–Earnings Ratios: A Test of the Efficient Market Hypothesis, Journal of Finance, Vol.32, No.1, pp. 663–682;Banz, R. W. (1981). The Relationship between Return and Market Value of . Common Stock, Journal of Financial Economics, Vol.9, No.1, pp. 3–18;Stattman, D. (1980) Book Values and Stock Returns, The Chicago MBA: A Journal of Selected papers, Vol. 4, No.1, pp.25–45;Rosenberg, B.,

Reid, K. and Lanstein, R. (1985) Persuasive evidence of market inefficiency, *Journal of Portfolio Management*, Vol. 11, No. 3, pp.9–17; Robert C. Merton (1973). An Intertemporal Capital Asset Pricing Model. *Econometrica*, Vol. 41, No. 5, pp. 867-887; Ross, Stephen A., (1976). “The arbitrage theory of capital asset pricing”, *Journal of Economic Theory* Vol.13, No.3, pp. 341-360; Campbell, John Y. 1993. Intertemporal asset pricing without consumption data. *American Economic Review* 83(3): pp.487-512; Fama, E., & French, K. (1993). “Common risk factors in the returns on stocks and bonds. *Journal of Financial Economics*”, Vol.33, No.1, 3-56; Assefa. T.A, Esqueda.A.O, Mollick.A.V (2017). Stock returns and interest rates around the World: A panel data approach. *Journal of Economics and Business*, Vol.89, No.1, pp.20-35.

4. Шохазамий Ш.Ш. Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане. Автореф. дис. д-ра экон. наук. –Ташкент: 2011. –С. 42; Шохазамий Ш.Ш. Молия бозори ва қимматли қоғозлар: дарслик. – Т.: ТФИ, 2012. –440 б.; Бутиков Л.И. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане Автореф. дис. канд. экон. наук. Т.: 2008. –С.41; Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг: учебник. – Т.: Консаудитинформ, 2001. – С. 472; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008, – 204 с; Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмлари жорий этиш муаммолари. Автореф. дис. канд. экон. наук. – Т.: 2007. – 40б.; Каримов Н.Ф. ва Хожиматов. Р.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. – 771-787-б.; Курбонов Х.А. Корпоративные финансы. – Тошкент. Иқтисод-Молия, 2007. – 184б.; Бурхонов У.А. Investment valuation in emerging markets: oportunities & specific factors// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 7, 2013 1-9б.

5. Всемирная история экономической мысли. Т.4: Теория социализма и капитализма в межвоенный период / под ред. В. В. Орешкина. 1990.– С. 447-448.

6. Danciu Aniela Raluca, Strat Vasile Alecsandrua “Patterns of Foreign Direct Investment in Romania: Low Tech Investments versus High Tech Investments”. *Procedia Economics and Finance* 10 (2014) p.275 – 285 (<https://www.sciencedirect.com>)

7. <http://group-global.org>. Мировое экономическое положение и перспективы, 2017 год Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 2017, 3стр.

8. <http://www.world-exchanges.org/home/index.php/statistics> маълумотлари

9. Martina Merková “Use of Investment Controlling and its Impact into Business Performance” - Business Economics and Management 2015 Conference, BEM2015; *Procedia Economics and Finance* 34 (2015) p. 608 – 614 (<https://www.sciencedirect.com>)

10.,11 Жадвал Турли йиллардаги статистик тўпламлар: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015

йилларга мўлжалланган прогнозлари; Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Тошкент 2011 йил.; Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014гг.)/под редакцией д.э.н. А.М.Садыкова/ Ташкент: IFMR, 2015.-112.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент – 2015.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги қўмагида тайёрланди. Center for Economic Research © ЈСА нашриёти, Тошкент 2017 йил. маълумотлари. [www. stat. uz](http://www.stat.uz). Мустақиллик йилларида (1991-2016 йиллар) Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили. Мамлакатларнинг 2017 йилдаги маълумотлари эса қуйидаги сайт манбаларига, жумладан <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/3302-o-nekotorykh-aspektakh-privlecheniya-investitsij-v-ekonomiku-uzbekistana>; Объем инвестиций в таджикскую экономику остается низким, – ВБ; [http://avesta. tj/2017/06/01/obem-investitsij-v-tadzhikskuyu-ekonomiku-ostaetsya-nizkimvb/](http://avesta.tj/2017/06/01/obem-investitsij-v-tadzhikskuyu-ekonomiku-ostaetsya-nizkimvb/); <http://www.stat.kg/ru/news/po-itogam-2017-goda-vvp-kyrgyzstana-vyros-na-45-procenta/>; ВВП Казахстана в 2017 году вырос на 4% <https://bnews.kz/ru/news/> тегишли.

12. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/3302-o-nekotorykh-aspektakh-privlecheniya-investitsij-v-ekonomiku-uzbekistana>; Объем инвестиций в таджикскую экономику остается низким, – ВБ [http://avesta. tj/2017/06/01/obem-investitsij-v-tadzhikskuyu-ekonomiku-ostaetsya-nizkim-vb/](http://avesta.tj/2017/06/01/obem-investitsij-v-tadzhikskuyu-ekonomiku-ostaetsya-nizkim-vb/); <http://www.stat.kg/ru/news/po-itogam-2017-goda-vvp-kyrgyzstana-vyros-na-45-procenta/>; ВВП Казахстана в 2017 году вырос на 4% [https:// bnews.kz/ru/news/](https://bnews.kz/ru/news/)

13. Некоторые аспекты инвестиции привлечение инвестиции в экономику Узбекистан. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta>.

14. [https://www. gazeta. uz/uz/2018/01/12/investitsiya/](https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/investitsiya/)); Инвестиция дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартиби муҳокама қилинди [http://uza.uz/oz/politics/investitsiya-dasturlarini-shakllantirish-va-moliyalashtirish 17-01-2018](http://uza.uz/oz/politics/investitsiya-dasturlarini-shakllantirish-va-moliyalashtirish-17-01-2018)